

Якубов Улугбек Касимович,
Тошкент молия институти “Электрон
тижорат ва рақамли иқтисодиёт”
кафедраси мудири в.в.б.
иқтисод фанлари номзоди, доцент
Абдуганиева Хумора Бахтиёр Қизи,
Тошкент молия институти Бюджет
ҳисоби ва ғазначилик факультети
талабаси

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ИСЛОМ МОДЕЛИ ВА ЎЗБЕКИСТОНГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИЛИШИДАГИ ЎРНИ

Мақолада бухгалтерия ҳисобининг ислом модели ва унинг Ўзбекистонга инвестициялар жалб этилишидаги ўрнига дахлдор масалалар таҳлили баён этилган, ислом моделининг ўзига хос жиҳатлари ва устунликлари кўрсатилган. Таҳлил натижаларига асосланган хулосалар – инвестицияларнинг асосий манбалари ва йўналишлари, хусусий инвестициялар (Давлат хусусий шерикчилиги билан бирга) ҳисобига ошиши прогноз қилинган. Инвестициялашда катта активга эга ислом молиялаштириши муассасалари салмоқли ўрин тутиши, Ўзбекистонга инвестициялар жалб этилиши кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро стандартлари асосида юритилишига боғлиқлиги асосланган.

В статье дается анализ исламской модели бухгалтерского учета и ее роли в привлечении инвестиций в Узбекистан, а также специфика и преимущества исламской модели. На основании результатов анализа прогнозируется увеличение основных источников и направлений инвестиций за счет частных инвестиций (включая государственно-частные партнерства). Значительная роль исламских финансовых институтов, обладающих крупными инвестиционными активами, основана на том факте, что привлечение инвестиций в Узбекистан во многом зависит от того, что хозяйствующие субъекты ведут бухгалтерский учет и отчетность в соответствии с международными стандартами.

The article provides an analysis of the Islamic model of accounting and its role in attracting investment to Uzbekistan, as well as the specifics and advantages of the Islamic model. Based on the results of the analysis, the main sources and directions of investment are projected to increase due to private investment (including public-private partnerships). The significant role of Islamic finance institutions, which have large assets in investment, is based on the fact that the attraction of investments in Uzbekistan largely depends on the fact that business

entities conduct accounting and reporting in accordance with international standards.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг жалб этилиши, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши ва фаолият юритиши бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида олиб борилишини тақозо қилмоқда. Чунки, бугунги кунга келиб, халқаро бизнесда ишлаб чиқариш жараёни бўйича ўзаро фойдали алоқалар ўрнатилиши “бизнес тили” ҳисобланган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳам унинг иштирокчиларига тушунарли бўлишини талаб этади.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатдан келиб чиқиб, таъкидлаш керакки мамлакатимизда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сонининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу, чет эл инвестициялари иштирокида ташкил қилинган ва фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ва юритишни талаб қилади. Шу боис, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларнинг 2021 йил 1 – январдан бошлаб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этиш белгилаб қўйилди (1).

“BUYUK KELAJAK” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг “Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси”да инвестицияларнинг асосий йўналишлари ва манбаларини таҳлили келтирилган. Таҳлил натижаларига биноан, инвестицияларнинг асосий манбалари 2019–2035 йиллар давомида хусусий инвестициялар (Давлат-хусусий шерикчилиги билан бирга) ҳисобига 263–322 млрд. АҚШ доллари, давлат маблағларига 166–202 млрд. АҚШ доллари, жами 993–1213 млрд. АҚШ долларида бўлиши прогноз этилган (10). Инвестиция маблағлари катта хажмни ташкил этиб, бу борада 2,5 триллион активга эга исломий молиялаштириш муассасалари салмоқли ўрин тутди (11). Ўзбекистон Республикасига инвестициялар жалб этилиши кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида юритилиши билан боғлиқ. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4611-сонли қарорига кўра, тегишли йўналишларда

масъулларга қатор вазифалар юкланди. Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари моҳияти эса унинг моделларига, хусусан, британия-америка-инглизсаксон; континентал модел; жанубий америка модели; ислом моделига мувофиқ фарқланади. Бу ўз навбатида ҳар бир моделнинг моҳиятини тушуниб, мазкур масалада самарали қарорлар қабул қилишни тақозо этади.

Ислом мамлакатларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ислом қонунларининг қоидалари асосида тартибга солинади. Ислом қонунларининг қоидалари тўрт манбага таянади. Бу манбааларнинг биринчиси – муқаддас Қуръон бўлиб, у диний билимларнинг асл ва ўзгармас манбаси ҳисобланади. Қуръон Пайғамбар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга Жаброил (алайҳиссалом) томонидан етказилган, Аллоҳнинг ваҳийларини ўз ичига олган, бутун инсониятга йўлланган илоҳий кўрсатмалардир.

Ислом қонунларнинг иккинчи манбаси ҳадислар ҳисобланади. Улар Пайғамбар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам билан боғлиқ воқеалар тўғрисидаги қисқа ривоятлар бўлиб, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатлари асосини ташкил этади.

Учинчи манба “Ижмо” (8) деб аталади. Ижмо – обрўли исломий олимлар томонидан аниқ бир масала ёки ҳолат учун ишлаб чиқилган ечимлардир. Ислом анъаналарида Қуръон ва суннатдан мустақил хулоса чиқариш ҳуқуқига эга уламолар мужтаҳидлар деб аталади.

Тўртинчи манба “Қиёс” деб номланади. Ушбу атаманинг дастлабки аҳамияти “Ўлчаш” ёки “Икки ашё ўртасида таққослаш ўтказиш” сўзларидан келиб чиқади. Қиёс – мураккаб ва мунозарали масалалар бўйича Қуръон ва ҳадисларда баён этилган асосларга кўра, мужтаҳидлар томонидан янги ечимларни ишлаш ва монандлиги асосида ҳукм чиқаришдир (3).

Ислом моделининг ривожланиши 1960 йилларнинг охири ва 70 – йилларнинг бошларига тўғри келган. Бунда, нефть нархи кўтарилиши билан капиталнинг Яқин Шарққа кўчиши, иккинчи Жаҳон урушидан кейин мустамлакачиликнинг пасайиши, ҳаёт, таълим даражасининг ортиши каби омиллар муҳим ўрин тутди. Натижада, ислом талабларига риоя қилиш билан исломий бухгалтерия ҳисобининг қайта тикланишига ва янада ривожланишига замин яритилди.

Олимлар ва тарихчилар ўз манбаларида ислом иқтисодиётининг асослари, хусусан, бухгалтерия ҳисоби қадимдан мавжудлигини таъкидлашган. Дарвоқе, “Ислом иқтисоди” ўз-ўзидан пайдо бўлмай, мусулмон олимларининг бир неча йиллик машаққатли меҳнати маҳсули

ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, уларнинг иқтисодий ривожлантиришга оид ишланмалари Ғарб олимларидан анча олдин яратилган. Ўрта асрларда уламолар Ғаззолий, Форобий, Абу Юсуф, Ибн Холдун “Ислом иқтисоди” бўйича кўплаб қоидаларга тавсиф берганлар. Улар иқтисодга оид қонунларни, Иброҳим (а. с.), Мусо (а. с.), Исо (а. с.) ва Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам билан тугаган Пайғамбарлар занжири воситасида таълимотларни инсониятга етказишган.

Жумладан:

- ибн Халдун ўз асарларида Ғарбда расмий эълон қилинишидан бир неча аср олдин кўплаб иқтисодий қонунларни кашф этган ва тақдим этган. У Адам Смитдан олдин, меҳнат тақсимоли зарурлигини ва Д.Кейнсгача барқарорлик сиёсатини олиб боришда давлатнинг ролини исботлаган;

- Абу Юсуф “Китоб ал-Хараж” асарида солиқ солиш хусусиятларини ўрганиб, биринчи марта солиқ идорасини марказлаштириш, солиқ тўловчи учун қулай вақтда солиқни тўлаш ва тўловчининг солиқни тўлаш қобилияти каби ибораларга этибор қаратган;

- Ал-Ғаззолий асарларида солиқ ва давлатнинг молия масалалари очиб берилган (5).

Бугунги кунда, иқтисодий глобаллашуви натижасида юзага келадиган муаммолар туфайли, кўплаб иқтисодчи олимлар иқтисодий жараёнларни жамоат тартибининг яхлитлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқишни таъкидлашади. Шу сабабли мусулмон уламоларининг “Ислом иқтисодиёти” бўйича қарашлари долзарб бўлиб қолди.

“Ислом иқтисодиёти”нинг ягона ва умумэътироф этилган таърифи ҳанузгача мавжуд эмас. Р.И.Беккина илмий тадқиқотларидан келиб чиқиб, “Ислом иқтисоди – мусулмон қонунларининг меъёрлари ва тамойилларига мувофиқ бизнес тизими”, деб таърифлаган (4).

Ислом иқтисодиёти ахборотга бўлган эҳтиёжини “Бухгалтерия ҳисобининг ислом модели” билан таъминлайди. Ислом моделида бухгалтерия ҳисобининг функциялари шариат томонидан белгиланган ва унинг асосий тамойилларига жавоб берадиган вазифаларни ҳал қилиши керак. Шу сабабдан, исломий моделда бухгалтерия ҳисоби фанига ва унинг ривожланишига янгича қарашни, ўзига ҳос тамойиллари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бухгалтерия ҳисобининг ислом моделида ўзига ҳос тамойиллар Ғарбнинг бухгалтерия ҳисобиникидан тубдан фарқ қилса-да, унинг

юритилишида ўхшаш томонлар мавжуд. Шундай бўса-да, исломий модел тарафдорлари иқтисодий интеграция шароитида бухгалтерия ҳисобини ислом манбааларга биноан: закотнинг аниқ ҳисоб-китоби, фоиз кўринишидаги (судхўрлик) даромадларга чек қўйиш, фойда ва зарарлар тўғрисидаги маълумотларнинг аниқ, тўлиқ, шаффоф бўлиши таъкидлайди. Бу борада, А.Абдуллаев илмий қарашларида: “Диний омиллар юқорилиги ҳамда спекулятив даромад ва бошқа фаолиятларни тақиқлайди” (2), деб қайд этиб ўтган.

Бухгалтерия ҳисобининг ислом моделида мулк эгаси ва шаръий ахлоқий меъёрларга асослангани боис, фойда “Актив-пассив” ёндашуви асосида шаклланади. Натижада, бухгалтерия ҳисобининг ислом моделларида актив ва пассивлар бозор баҳосидан келиб чиқиб баҳоланади. Чунки активнинг ҳақиқий баҳосини аниқлаш орқалигина ислом талаблари, хусусан, закот бериш каби амалларнинг адолатли ижроси таъминланади.


Шунингдек, закот тўловларининг аниқ миқдорини ҳисоблашда дебиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади. Одатда, фойда солиғи соф дебиторлик қарзларидан келиб чиқса, яъни жами олишга тегишли суммадан даргумон қарзларнинг чегирилиши билан аниқланса, исломий молияда ҳисоб-китоблар бошқача тартибда амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисобининг ислом моделида закотнинг қисқартирилишига йўл қўйилмайди, шундай экан, даргумон қарзлар тўғрисидаги сўтдан фойдаланилмайди.

Англия-америка ва ислом бухгалтерия моделлари ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилари ҳисобига ҳам фарқланади. Англия-америка бухгалтерия модели бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот даромадларини кўпайтиришдан манфаатдор бўлган инвестор ҳамда кредиторларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган. Ҳамкорлик, ҳамжихатлик, жамоат ва давлат мулкисининг адолатли тақсимланиши тамойилига асосланган ислом иқтисодиётида бухгалтерия ҳисоби давлат манфаатларига хизмат қилишга, молиявий маълумотларни ҳукуматга ва бошқаларга тақдим этишга йўналтирилган. Ислом бухгалтерия моделида молиявий ҳисоботларнинг асосий фойдаланувчиси ҳукумат ҳисобланади ва закот каби солиқларни йиғиш ҳамда тақсимлаш давлатнинг ваколати ҳисобланади. Бу ҳолат ислом ва континентал бухгалтерия моделларининг ўзига хос жиҳати бўлиб, давлатнинг солиққа тортиш ваколатини ва барқарор макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлашга қаратилган (6).

Ислом молиявий ҳисобот менежерлар ва бошқа ходимлар томонидан компанияларнинг активлари шариат қоидаларига мувофиқ баҳоланганини, даромадлар тақсимлашни назорат қилиш имкониятини ҳам таъминлаши талаб этилади.

Бухгалтерия ҳисоби ислом моделининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири Ғарб мамлакатларига хос бўлган баҳолаш усулидан фойдаланмаслигидир. Ғарб мамлакатларида активлар инфляциядан келиб чиқиб, қайта баҳоланади ва бунинг учун мулкнинг базис баҳоларидан фойдаланилади. Бироқ, бухгалтерия ҳисобининг ислом моделида бу тартиб қабул қилинмаган.

Статистик маълумотлардан келиб чиқиб, таъкидлаш керакки, мамлакатда фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги хўжалик юритиш субъектларининг салмоғи 2–3 фоизни ташкил этади (9).



1- расм. Хорижий капитал иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида маълумот, фоизда¹.

Таҳлил натижаларига кўра, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар улуши йиллар давомида ўсиб борган ва бу ижобий ҳолат саналади. Негаки, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ҳисобига маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш сифатига ва халқаро бизнесдаги фаолият учун қулайликлар яратилади. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган хорижий капитал

¹ www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар таркибида хорижий корхоналар сони ўрганилаётган 2012–2019 йиллар давомида 1,0–1,5 фоиз улушга, қўшма корхоналар мос равишда 1,3–1,5 фоиз салмоққа эга бўлган.

Бухгалтерия ҳисобининг ислом моделида молиявий ҳисоботлар закотни тўғри ҳисоблаш (муҳтожларнинг фойдасига йиллик мажбурий солиқ); даромадларни адолатли тақсимлаш; фақат ислом томонидан рухсат этилган фаолият билан шуғулланиш ва уни ривожлантириш, компания жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшишини таъминлаши зарур.

Бухгалтерия ҳисобининг ислом модели ривожланишнинг дастлабки босқичида бўлишига қарамай, иқтисодий алоқаларни шариат меъёрларига мувофиқ тартибга солувчи бир қатор ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан:

1. AAOIFI (Accounting and Auditing Organisation for Islamic Financial Institutions) – Исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти;

2. CIBAFI – Исломий банклар ва молиявий муассасалар бош кенгаши;

3. ICIEC – Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси;

4. IsDB (Islamic Development Bank) – Ислом тараққиёт банки;

5. IFSB – Исломий молиявий хизматлар бўйича кенгаш;

6. ISRA – Низоларни тартибга солиш ва арбитраж бўйича халқаро исломий марказ;

7. IFM – Исломий молия халқаро бозор;

8. ILM – Ликвидликни бошқариш бўйича халқаро исломий корпорация ва бошқалар.

AAOIFI (Accounting and Auditing Organisation for Islamic Financial Institutions) – Исломий молиявий муассасалар учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти 1989 йилда ислом молия институтлари қошида Баҳрайнда ташкил этилган. У Ислом молия институтлари учун молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқди ва фаолиятда қўлланилишини таъминлади. Ишлаб чиқилган стандартлар ислом банклари ва суғурта компаниялари фаолиятига тегишли бўлса-да, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти уларга мослаштирилди.

AAOIF стандартларининг МҲХСдан ажралиб турадиган хусусияти шариат шартномалари учун қўшимча махсус стандартлар мавжудлиги билан

белгиланади. Бироқ, МҲХС Кенгаши аъзоси Роберт Гарнеттнинг сўзларига кўра, ААОИФ ва МҲХС ўртасида алоҳида тафовутлар йўқ, мавжуд тафовутлар профессионал ёндашувни қўллаш, стандартларнинг хусусиятларини англаш, ўрнатилган анъаналар, эътиқодлар, шунингдек, Яқин Шарқнинг иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бартараф этилиши мумкин (6).

Исломий молия муассасалари ялпи активлари миқдори 2,5 триллион долларни ташкил этиб, йилига 15–20 фоизга ўсиб бормоқда (7). Бу етарлича катта маблағ ва бизнингча, исломий молиялаштиришга асосланган банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда хусусий секторини қўллаб-қувватлашга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Бухгалтерия ҳисобининг ислом модели ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, физика каби иқтисод ҳам исломий, насроний ва ҳоказо бўлиши мумкин эмас. Бухгалтерия ҳисобининг ислом модели фақат иқтисодий ғоялар таъсирида бўлганидан фарқ қиладиган тизимни англатади. Қуръон – бухгалтерия ҳисобининг асосий қонунларини инкор этмай унга ахлоқий меъёрни белгилайди.

Исломий молиявий ҳисоботларнинг таркиби ва тузилиши Ғарб компаниялари томонидан эълон қилинган молиявий ҳисоботлардан фарқ қилмаса-да, маълумотларини ошкор қилишда тафовутлар мавжуд. Шу муносабат билан ислом ҳисоби моделининг қуйидаги хусусиятлари ажратиб кўрсатилади:

- бухгалтерия ҳисобининг ижтимоий йўналиши;
- маълумотларни тўлиқ ошкор қилиш;
- бухгалтерия ҳисобига шариатнинг юқори таъсири;
- актив ва пассивларни баҳолашда бозор нархларидан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисобида закотнинг аниқ ҳисоб-китобини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Бухгалтерия ҳисобининг ислом моделини ўрганиш орқали таъкидлаш мумкинки, унинг бошқа моделлардан иқтисодий қонуниятлари билан фарқланади. Бухгалтерия ҳисобининг Англия-америка, континентал ва лотин америкаси модели қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинса, ислом моделида шариат қоидалари устувор ҳисобланади. Иқтисодий нуқтаи назардан, ислом моделининг асосий элементи судхўрлик билан топилган даромад тақиқланиши билан белгиланади. Мусулмон ҳаётининг барча

соҳаларига татбиқ этиладиган ижтимоий адолат тамойили устувор ҳисобланади. Буларнинг барчаси фаолиятни молиялаштиришга, бухгалтерия ҳисоби сиёсатида акс эттирилиши, шунингдек, ҳамма манфаатдор фойдаланувчиларни унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиш билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4611-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>.
2. Абдуллаев А.Б. file:///C:/Users/user/Downloads/Telegram%20Desktop/_АВТОРЕФЕРАТ.
3. Байдаулет Е.А. Исломий молия асослари. Ҳусан Ҳасановнинг умумий таҳрири остида – “O‘ZBEKISTON” НМИУ, 2019..
4. Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность. 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Изд. дом Марджани, 2010.
5. Евдокимов В.В., Грицишен Д.А. Исламская экономическая доктрина как среда формирования и развития исламской модели бухгалтерского учета // Международный бухгалтерский учет. — 2012. — ¹ 29.
6. Ларионов А.Л., Аль-Шарайрех Лжамаль Алель. Исламская модель бухгалтерского учета // http://elibrary.finec.ru/materials_files/izv/IzvSPbUEF2002_2_C.70_85_s.pdf.
7. Шоева С. ЎзА <http://uza.uz/oz/business/islomiyy-moliyalash-tizimi-zini-olaydimi-09-05-2019>.
8. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тавсири. Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. Нисо сураси, 115-оят.
9. www.stat.uz маълумотлари.
10. Uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-UZB.pdf.
11. <https://mineconomy.uz/uz/info/2678>.